

Ҳоким ва ёшлар учрашуви бўлиб ўтди



Бугун Қумқўрғон тумани 1-сектор ҳудуди “Гулистон” маҳалласида навбатдаги “Ҳоким ва ёшлар” учрашуви ўтказилди.

Унда туман ҳокими Анвар Нормаматов ва муаммоларига ечим излаб келган 30 нафардан ортиқ ёшлар иштирок этди.

Учрашувда ёшлар томонидан бир қатор муаммолар айтиб ўтилди. Хусусан иш билан таъминлаш, такрорий экин экиш учун ер майдони олиш, тикув машинаси, субсидия, имтиёзли кредит олиш каби муурожаатлари йўлланди.

Мазкур учрашувда муаммоларига ечим излаб келган бир қатор ёшларнинг муурожаатлари шу жойнинг ўзида ижобий ҳал этилди. Хусусан такрорий экин учун ер со'раб муурожаат қилган ёшларга туман ҳокими томонидан ер ажратиб берилди.

Муддат талаб қиладиган муурожаатлар туман ҳокими томонидан назоратга олиниб, ижроси бўйича тегишли масъулларга топшириқлар берилди.